

Катар пойтахти Доха шахрида Куръони Карим кўлёзмаларига багишланган кўргазма ташкил этилди.

«Al-Raya» газетаси берган маълумотга кўра, кўргазма – Катар маданият, санъат ва ёдгорликлар вазири Хамдан ибн Абдулазиз ал-Кувари тарафидан ташкил этилган бўлиб, «Ezdan Mall» Катар маданият маркази худудида бўлиб ўтмокда.
Унда турли даврларга тегишли 60 дан ортик Куръон кўлёзмалари намойиш этилмокда.
Шунингдек, кўргазма залида сенсорли мониторлар ўрнатилган бўлиб, улар оркали Куръон кўлёзмалари хакидаги маълумотларни инглиз ва араб тилларида ўкиб, батафсил маълумот олиш мумкин.
Эслатиб ўтамиз, кўргазма ўн кун давом этади.